

6003-сонли пудрат шартномаси

« 28 » июль 2022 йил.

Дўстлик туман Мактабгача таълим бўлими (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Бюджет асосида фаолият юритувчи раҳбари Р.Фозилова ва OBI SANGZOR X/К кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари М.Султонов мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Дўстлик туман Мактабгача таълими бўлимига қарашли 5-сон давлат мактабгача таълим ташкилотини биносида жорий таъмирлаш ишларини сифатли бажариш учун.

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил « 28 » июльга қадар пудратчига зарурий лойиха-смета хужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30 % аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 30 кун ичида амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 %и миқдоридан бунақ туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни қуриклаш буйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи кўйидаги хўкўкларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи кўйидаги хўкўкларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига муносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 971 175 000 (Тўққиз юз етмиш бир миллион бир юз етмиш беш минг) сўмни ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ

6.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

6.2 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва муурожаатини олган томон 10 (ўн) иш кунини мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

6.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

6.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчилиқда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

7.2. Бартараф қилиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

8. Низоларни ҳал этиш тартиби

8.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчилиқда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах вилоят иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

9. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Ҳазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлиқ билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

9.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

9.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

10. Яқуний қоидалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ҳазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг хақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3 Шартномага илова OBI SANGZOR хусусий корхонаси Ҳувоҳномаси илова қилинади

11. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

OBI SANGZOR хусусий корхонаси

(Пудратчи ташкилот номи)

Манзил: Дўстлик ш. Чинобот МФЙ 16-уй

X/P 20208000904353235001

Банк: Ипотека банк Жиззах вил филиали

СТИР: 205172807

МФО: 00122

ОКОНХ: 61110

«Буюртмачи»

Дўстлик туман Мактабгача таълими бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Дўстлик ш. Мустақиллик кўчаси

ш/х* 100022860082157091100251018

Банк номи: Тошкент ш Марказий банк Бош Бошқармаси

МФО: 00014 СТИР: 305154334

ОКОНХ:

Дўстлик туман Ҳазначилик бўлини маси

Ўз.Рес. Молия вазирлиги ягона Ҳазна ҳисоб варағи

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

МФО: 00014


Ҳазначилик бўлини маси СТИРи: 201 122 919

Раҳбар  М. Султонов
(лавозим) _____ (Ф.И.Ш)



М.Ў.

Раҳбар  Р. Фозилова
(лавозим) _____ (Ф.И.Ш)



М.Ў.

Изоҳ:

* - Буюртмачилар ёки капитал қўйилма буюртмачиларининг тегишли шахсий Ҳазна ҳисобварағи (ёки шахсий Ҳазна ҳисобварақлари) кўрсатилади.

Юрист хулосаси: Ушбу шартнома "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида"ги қонунга мос равишда тузилган



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

130500 Do'stlik shahri, Amasoy shoh ko'chasi.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO 'G 'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

№ 3412

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi: № 6003_- sonli pudrat shartnomasi.

Loyihaning mazmuni: Do`stlik tuman maktabgacha ta`lim bo`limi va “Obi sangzor” MChJ o`rtasidagi 5-son MTT binosini joriy ta`mirlash yuzasidan 971.175.000 (to`qqiz yuz yetmish bir million bir yuz yetmish besh ming) so`mlik pudrat shartnoma loyihasi.

3.Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot: Do`stlik tumani maktabgacha ta`lim bo`limi tomonidan 2022-yilning 28-iyul kuni ishlab chiqilgan.

4.Loyiha kelib tushgan sana: 2022-yil 28-iyul kuni markazga elektron tizim orqali yuridik xulosa olish maqsadida taqdim etilgan.

5.Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiqashtirildi.

Markaz bosh yuriskonsul`ti



E.I.Qo`chqorov
28.07.2022-yil

